

НЕФТЬ НАРХИ ЎЗГАРИШИНИНГ ОЗАРБАЙЖОН ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИ

Д.Ш.Таджибаева – ТошДШИ магистранти

Ушбу мақолада жаҳон нефть нархлари ўзгаришининг Озарбайжон иқтисодиётига таъсири, мамлакатда янги қувур йўлларининг ишга туширилиши, нефтдан бошқа тармоқларни ривожлантириши борасида амалга оширилаётган ишлар ёритиб берилган.

Озарбайжон жаҳонда нефть нархининг пасайишини ҳисобга олган ҳолда ўзининг иқтисодий сиёсатини олиб бормоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, жаҳон нефть бозорида нархларнинг пасайиб кетиши Озарбайжон иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатмайди. Республика иқтисодиёти ташқи омиллар таъсирига қарши тура олиши мумкин.

Озарбайжон нефть тармоғи ўтган асрнинг 18-20-йилларидан бошлаб тараққий эта бошлади ва Озарбайжон иқтисодиётида етакчи кучга айланди. 1919 йилда Республика давлат бюджети 665 миллион манатни ташкил қилиб, нефтдан тушадиган даромадлар жуда ҳам оз эди. Ўша йиллари Озарбайжон нефтини асосан Россия харид қилар эди. Кейинчалик Европа давлатларига ҳам нефть сота бошлди. Россияда юз берган инқилоблар туфайли Озарбайжон нефтининг экспорти кескин камайиб кетди. Бу ўз навбатида республикада иқтисодий инқирозга сабаб бўлди.

Шимолий бозорнинг беркитилиши оқибатида 1919 йилда қазиб олинган 3 миллион 600 минг тонна нефтнинг атиги 600 минг тоннаси экспорт қилинди. Ўша йилнинг март ойида 500 километрлик Боку-Батуми қувури ишга туширилгач 3 миллион тоннагача нефть экспорт қилиш имконияти пайдо бўлди. Нефть экспорти республика иқтисодиётидаги барча тармоқларнинг тараққий этишига туртки бўлди.

Икинчи жаҳон урушидан кейин республика иқтисодиётининг риволанишига алоҳида эътибор қаратилди. Сумгаит, Мингечаур, Али-Байрамли (ҳозирги Ширван), Дашкесан каби саноат шаҳарлари бунёд этилди. 50-йилларнинг ўрталарига келиб Озарбайжон углеводород ишлаб чиқариш борасида етакчи республикага айланди. Озарбайжон нефти узоқ йиллар давомида СССР деб аталмиш йирик бир мамлакатнинг эҳтиёжини қондириб келди. Нефть саноати бир қатор иқтисодий тармоқларнинг, жумладан нефтни қайта ишлаш, нефтхимия, химия, нефть машинасозлиги, приборсозлик, қора металлургия, нефть қазиб олиш учун мўлжалланган қувурлар ишлаб чиқариш каби соҳаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлди.

50-60-йилларда Россиянинг бошқа минтақаларида нефть конлари топилгач Озарбайжон нефтига қизиқиш сал пасайгандек бўлди. Нефть саноати ортга қараб кета бошлади.

70-йиллар ва 80-йилларнинг биринчи ярмида иқтисодий ривожланиш даври бошланди. 80-йиллар ўрталарига келиб Озарбайжон нефть жихозлари ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринга чиқиб олди.

Мустақилликка эришган Озарбайжон олдида миллий иқтисодиётни замон талаблари даражасида ривожлантириш ва бозор иқтисодиёти талаблари асосида жаҳон иқтисодиётига интеграциялашдек муҳим масала турарди. Мамлакатнинг бой углеводород ресурслари ва кўп йиллик тажриба асосида нефть ва нефтни қайта ишлаш саноати ривожлантирила бошланди. 1990 йилларда иқтисодий ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида бир қатор қонунлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этила бошланди. Давлат буюртмалари, квота ва лицензиялаш тизимлари бекор қилинди. Мустақиллик йилларида хорижий инвесторлар Озарбайжоннинг бой нефть захираларига қизиқиш билдира бошлади. 1994 йилнинг сентябрида “Азери-Чироғ-Гюнешли” платформаларини разведка қилиш ва ишга тушириш борасида “аср шартномаси” имзоланди. Шундан сўнг, қисқа давр ичида, яъни 2000 йилнинг сўнгигига қадар 12 мамлакатнинг 29 та йирик компанияси Озарбайжон ҳудудларидаги нефть ва газ қонларини ўзлаштиришга киришиб кетишди. Улар иштирокида 30 дан ортиқ халқаро шартномалар имзоланди. Бу шартномаларга кўра, ҳамон қонларни разведка қилиш ва ўзлаштириш ишлари давом этмоқда. “Азери-Чироғ-Гюнешли” ва “Шах-Дениз” шартномалари бўйича нефть ва газ қазиб олиш йил сайин кўпайиб бормоқда.

Бугунги кунда Озарбайжон иқтисодиётининг асосини нефтьгаз тармоғи ташкил қилади. Айтиш мумкин, республикада 2003 йилга нисбатан уч баробар кўп нефть қазиб олинмоқда. Бугун Озарбайжон нефти 22 та мамлакатга экспорт қилинади. 2008 йилда бошланган жаҳон инқирозига қарамай Озарбайжонда ялпи ишлаб чиқариш юқориликка қолмоқда.

Сўнгги йилларда Озарбайжонда жаҳон бозорига нефть ва газ етказиб бериш мақсадида янгидан янги қувурлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Шу ўринда 2006 йилда ишга туширилган Баку-Тбилиси-Джейхан нефть қувурини ва 2007 йилда фойдаланишга топширилган Баку-Тбилиси-Эрзурум газ қувурини мисол сифатида келтириш мумкин. Маълумки, айтиш мумкин 2007 йилдан бошлаб Озарбайжон нафақат нефть экспорт қилувчи, балки газ экспорт қилувчи етакчи мамлакатлардан бирига айланди. Нефть газ тармоғининг ривожланиши бошқа соҳаларнинг ривожланишига сабаб бўлди. Шу ўринда қурилиш соҳаси жадал суратларда ривожланиб бораётганини айтиш мумкин.